PERIODICA
Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities
ISSN NO:2720-4030 Volume 35 October, 2024

Ўқувчиларда Миллий Идентликни Шакллантиришнинг Ижтимоий Педагогик Механизмини Такомиллаштириш Методологияси Ва Технологиясини Тажриба Синовдан Ўтказиш Хусусиятлари

Ризаева Раъно Барноевна.
Вилоят Болалар кутубхонаси директори
88-377-11-71
bolalarkutubxonasinav@gmail.com

ABSTRACT

Янги Ўзбекистонни барпо қилиш ва учинчи ренесансга қадам қўйиш халқимизнинг сиёсий орзуси бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислоҳотлари моҳиятида баркамол шахс тарбияси, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, креатив фикрлаш кўникмасига эга авлодни тарбиялаш мақсади туради.

Построение нового Узбекистана и вступление в третий Ренессанс остается политической мечтой нашего народа. В основе реформ образования, проводимых в нашей стране, лежит цель воспитания поколения, обладающего совершенным личным образованием, мирскими знаниями и навыками творческого мышления.

Building a new Uzbekistan and stepping into the third renaissance remains the political dream of our people. At the heart of the educational reforms being carried out in our country is the goal of educating a generation that has perfect personal education, worldly knowledge, and creative thinking skills.

ARTICLE INFO

Received: 10th June 2024
Accepted: 8th July 2024

KEYWORDS:

миллий истиқлол, баркамол алод, таълим-тарбия, миллий қадрият, баркамол авлод, фарзанд тарбияси

национальная независимость, всестороннее образование, образование, национальная ценность, всестороннее поколение, воспитание детей

national independence, well-rounded education, education, national value, well-rounded generation, child upbringing

“Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос моделида кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “баркамол авлод”, “юксак маънавият-енгилмас куч”, “юксак билимли, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва

модернизация қилишнинг муҳим шарти” ҳақидаги Ислом Каримовнинг концептуал таълимоти XXI асрда педагогика фани тараққиётининг методологик асосини белгилаб берди”[1].

Мамлакатимиз миллий истиқлолни қўлга киритгач, хусусий методология ҳам шакллана борди. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг маънавий-ахлоқий негизлари, миллий қадриятларга содиқлик жаҳон педагогикасининг илғор ютуқларидан фойдаланиш, таълим жараёнига самарали педагогик технологияларни киритиш ва таълим-тарбия сифатини тубдан янгилаш, таълим-тарбия концепциялари педагогика фанининг методологик ёндашувларини бойитди. Ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳамда демократик тамойиллар асосида таълим-тарбия узвийлигини таъминловчи педагогиканинг ўзига хос қонуниятлари умумлаштирилди.

Ўзбек педагогика фани назарий концепцияларни яратиш, таълим ва тарбия жараёнини мазмунан янгилаш борасида янги-янги назарий хулосаларни қўлга киритди. Таълим тизимида умумтаълим фанларини ўқитишда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мактаб дарсликларининг янги авлодлари яратилди ва синовдан ўтказилди. Бир фан юзасидан бир неча муқобил дарсликлар яратилди. Яратилган дарсликларда мактаб ўқувчиларининг миллий руҳда тарбиялашни кўзда тутган мавзулар бўлиши эътиборга олинди.

Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўзига хос тараққиёт модели яратилган бўлиб, унда жамият таррақиётини таъминловчи муҳим омиллар сирасида таълим ва тарбиянинг устуворлиги, “Таълим, тарбия ва ривожланишнинг уйғунлиги қонунияти”, Шарқ педагогикасининг фалсафий қонунияти – Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслигини эътибор марказига қўйилиши, баркамол авлод ривожланишининг “портлаш эффекти” ҳақидаги таълимот ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Абу-л-Муъин ан- Насафийнинг “Китоб ат-тавҳийд ли-қавоъид ат-тавҳийд” асарида келтирилган “Билиш назарияси”[2], Устурашийнинг 1228 йилда Самарқандда ёзилган “Жомиу аҳками-с-сиғор”, Шамсиддин Муҳаммад ибн Аби Бакр ибн Қаййим Жавзиянинг “Туҳфат ул-мавдуд би аҳкоми-л мавлуд” асарларида келтирилган болалар билим олиш ҳуқуқлари ҳамда Хожагон ва Нақшбандия таълимотлари таълим-тарбия тизимининг такомиллашуви таълим-тарбиянинг ўқувчилар имконияти, қобилиятига мослигини таъминлаш долзарб масалалар сирасида кун тартибига қўйилди. Ўзбекистонда яратилган “Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели” ёшларни жаҳон миқёсида қўлга киритаётган ютуқларида ўз исботини топмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да инновацион таълим-тарбия технологияларини изчил жорий этишни босқичма-босқич амалга ошириш кўрсатиб ўтилган. Кадрлар тайёрлашда миллий идентликни шакллантириш, баркамол аводни вояга етказиш, дунёвий билимларни эгаллаган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ўзбек педагогикаси олдига улкан вазифаларни юкламоқда. Бу масъулиятли вазифалар халқимизнинг ёруғ истиқболини яратувчи янги авлод вакилларини тарбиялаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни ҳамда 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «*Таълим тўғрисида*»ги Қонунларида таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдириш принципи киритилиши ўқувчиларда миллий идентликни шакллантиришнинг ижтимоий педагогик механизмини такомиллаштириш методологиясининг асосини ташкил этади.

Жаҳон ҳамжамиятида юзбераётган сиёсий ўзгаришлар глобаллашувга олиб келмоқда. Ер сайёрасининг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи элатлар умумий маънодаги улкан миграцион жараённи бошлаб берди. Аввалари Африка ва Европа қитъаларида кузатилган миграцион жараён Марказй Осиёни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бугун бизнинг ватандошларимиз нафақат Россия, балки Америка, Африка, Европа қитъаларига турли сабаблар билан кўчиб бормоқда. Америка Қўшма

[1] Ходжаев Б., Чориев А., Салиева З., Чориев И. Педагогик тадқиқотлар методологияси. Дарслик. – Тошкент, 2019. – Б. 6/https://library.samdu.uz/

[2] Уватов У. Китоб ат-тавҳийд ли-қавоъид ат-тавҳийд/Буюк юрт алломалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2018. – Б.165-166. (424 б)

Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида ўзбеклар маҳалласи гузарини ташкил этилганлиги, Европа мамлакатларининг кўпгина шаҳарларида ўзбеклар миллий маркази ташкил этилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу нимадан далолат беради?

Биринчидан, бугун биз билан ҳамнафас бўлиб турган қўшнимиз, қариндошимиз эртага тақдир тақазоси билан тирикчилик куйида бошқа мамлакатга кўчиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас; иккинчидан, ўзга миллатлар орасида вақтинча яшаб турган ватандошларимизнинг фарзандлари келажакда Ўзбекистонни Ватан санаши, ўзини тўлақонли ўзбек ҳисоблаши учун уларнинг онгида миллий идентлик шаклланган бўлиши шарт. Санаб ўтилган ҳар икки ҳолат ҳам миллий белгиларнинг сўниши, миллий қадриятларнинг аксарият ёшлар онгида унитилишига, миллий тил ва адабиётнинг қадрсизланишига, миллий тарихимизнинг келажак хотирасида хиралашиши ёки бутунлай унитилишига сабаб бўлиши мумкин. Демак, глобаллашув жараёни ҳар қандай миллатнинг миллий ўзлигини сақлаб қолишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир.

Бугунги Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида фарзандларимиз тарбиясига дунёда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар таъсир қилмаслигига ким кафолат бера олади? Ҳеч ким.

Айни пайтларда Ўзбекистоннинг чекка қишлоғидаги ўсмир дунёнинг нариги бурчагида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни бемалол кузатиб турибди. Бугунги глобаллашув жараёни ахборот тарқалиш тезлигини қуёш нури тезлигига тенглаштириб қўйди. Бу каби шиддатли ахборот алмашинув жараёнида ахборотларни филтрлаш имкони жуда паст. Бу эса, ҳали ахлоқий тарбия жараёнида бўлган фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Энг муҳими, узлукиз таълим тизимида таълим – тарбия олаётган фарзандларимизнинг тақлидчанлиги, уларга нисбатан ахборот хуружининг таъсири, атроф муҳитнинг таъсири, замондошларининг хорижий юртларга бориб ишлаши ва бошқа улкаларга қизиқтиришлари миллий қадриятларимизнинг сақланиб қолишига, фарзандларимизнинг миллий идентлигини шаклланишига тўсқинлик қилади.

Узлуксиз таълим тизими тарбияланувчилари билан олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг сифати, мазмуни тадбир ўтказилаётган унда муҳокама қилинаётган мавзунинг аудиторияга мосли масаласи ҳам муҳим муаммолардан бўлиб турибди. 2023 йилнинг 22 июль куни melitsiya.uz канали орқали тарқалиб, бутун ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлган воқеага эътибор қаратсак бас. Видео тасвирда ички ишлар ходимлари қайсидир болалар боғчасида боғча тарбияланувчиларини йиғиб олиб, жиноятчиликка қарши профилактик тадбирлар ўтказмоқда. Улар билан маҳалларда содир бўлаётган ичкиликбозлик, қотиллик, талончилик, ўғрилик ва бошқа жиноятлар хусусида маъруза қилган. Бу бутунлай мантиқсизлик, болалар соф тасаввурларини булғаш, дунёнинг чиркинлари билан таништиришдан бошқа нарса эмас. Энг асосийси ҳисобот учун ўтказилган бу профлактик тадбир ички ишлар ходимларининг юқорида турган мансабдорлари томонидан қандай қабул қилинган? Расмий муносабатларнинг бўлмаганлигига қараганда ИИБ раҳбарлари масалага умуман эътибор қаратмаган кўринади. Мана бу бизнинг миллий мустақиллигимиз, конституцион тузимимиз ва халқимизнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлардан бирининг масалага муносабати.

Хуш муаммо қаерда? Биринчидан кадрлар тайёрлаш тизимида маънавий ахлоқий ишларнинг талаб даражасидан пастлигида бўлса, иккинчидан оммавий эътиборсизлик ва ижтимоий лоқайдликнинг жамиятимизда томир отиб бораётгани; учинчидан ходимнинг ўз касбига нисбатан масъулиясиз ва мантиқсиз ёндошуви, тарбия маскани тарбиячи педагогларига нисбатан муносабатини кўрсатади. Демак, профилактик тадбир ўтказаётган ходимларнинг ўзларида миллий идентлик белгилари тўлиқ шаклланмаган, ахлоқий тарбия борасидаги билимлари етарли эмас деган хулосага келиш мумкин.

Юқоридаги профилактик тадбир миллий идентликни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларни ички ишлар академияси, ҳарбий институтлар тингловчилари билан ҳам олиб бориш зарур эканлигини кўрсатади.

Миллатнинг обрўсига айланган шавкатли тарихий шахслар: Жалолиддин Мангуберди, Муқанна, Широқ, Тумарис, Сиёвуш, Афроиёб, Амир Темур, Дукчи эшон; улуғ авлиёлар: Баҳауддин Нақшбанд; Хожа Аҳмад Яссавий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий сингари алломалар образлари миллий стереотиплардир. Ватан образи тушунчаси миллий стереотиплар тушунчаси билан

чамбарчас боғлиқдир. “Ижтимоий стереотип атамаси илк бор америкалик олим У. Липпман томонидан илмий таъмилга киритилган эди. Унинг изоҳлашича, “Стереотип – стандарлаштирилган ва барқарор образ бўлиб бирхил ҳодисалар ёки нарсалар умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради”[3]. Рус олимлари социологлар В.Сергеев ва Н.Бирюковлар эса, “Стереотиплар барқарор бўлиб, бир неча авлод ҳаёти давомида сақланади,- деб ҳисоблайди[4]. Дарҳақиқат, миллий стреотиплар миллатнинг бошқа халқ вакилларидан ажратиб турувчи ижобий белгига айланиб улгурган унинг шавкатли фарзандлари, уларнинг қаҳрамонликлари, башарият ва халқининг истиқболи йўлида амалга оширган шарафли меҳнатлари, миллатнинг урф-одат ва қадриятларини англатади. Ватан образи тушунчаси у ҳақидаги маълумотларнинг субъектив ўлчови бўлиб, объектив илмий билимларнинг йиғиндиси сифатида моҳият тушунчаси билан таққосланади. Образ моҳиятдан бироз узоқлашиши мумкин. Ватан образини яратган халқ унинг узоқ ўтмиш қаъридаги тарихий воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти билан бойитади. Ватан образининг моҳиятида эса, унинг шавкатли фарзандлари, улуғ инсонлари сиймоси мужассамлашади. Айни шу жиҳатдан образ ва моҳият ўқувчиларнинг онгига ижобий таъсир ўтказади ва уларнинг “мен ҳам шу миллатнинг бир парчасиман” деган қарорга келишига сабаб бўлади.

Биз ўқувчиларда миллий идентликни шакллантиришнинг ижтимоий педагогик механизмини такомиллаштиришга доир педагогик ишланмаларимизни тажриба синовдан ўтказишда масаланинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратдик:

1.Ўқувчилар идентлигини аниқлаш юзасидан улар билан оғзаки сўровномалар ташкил этиш;

2.Ўқувчиларнинг хулқ-атворини кузатиш, уларнинг юриш-туришлари ва жамоада ўзини тутишлари орқали идентлик белгиларини аниқлашга эришиш;

3.Узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг ҳозирги аҳволи билан танишиш орқали миллий идентликни шакллантириш параметрларини белгилаб олиш;

4.Ўқувчиларнинг миллий идентлигини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш технологиясидан умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг синфдан ташқари ишларни ташкил этиш жараёнида қўллашни маъқул топдик. Чунки, ташкил этилган тадбирларимизда ўқувчиларнинг ўйинқароқликлари инобатга олинган бўлиб, уларнинг ўқув машғулотларидан толиқишлари, зерикишларини унитишига ҳам хизмат қилди.

Ўқувчиларда миллий идентликни шакллантиришнинг ижтимоий педагогик механизмини такомиллаштиришга доир педагогик ишланмаларимиз мактаб болаларининг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, оддийдан мураккабга томон тамойилига асосан материалларни танлаш принципига амал қилинган. Бошланғич синф ўқувчилари билан миллий ҳаракатли ўйинлар, миллий болалар қўшиқларини ижро этиш, тадбир иштирокчиларининг классик миллий либосларда бўлишларига урғу берилган бўлса, юқори синф ўқувчилари билан “образли тасвир → тасаввур → талқин” тамойили асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш яхши самара беришини аниқладик. Бунда тадбир ташкилотчилари ҳам иштирокчилари-ю томошабин ҳам болалар. Тарбиячи фақат тадбирни тайёрлаш жараёнида режиссёрлик вазифасини бажаради ва унинг бу миссияси ҳам тадбир намойиш этулгунгача болалар орасидан танланган сардорга юкланиш билан якунланади. Бу принцип ўқувчиларнинг жамоада ишлашлари, лойиҳа методини ўзлаштиришлари, ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини шакллантириш асносида уларда ҳақиқий ўзбек миллий қаҳрамонининг сифатларини ўзлаштириш ва намойиш қилишларига туртки бўлади. Битирувчи синф ўқувчилари билан ташкил этиладиган тарбиявий ишлар тубдан фарқланади. Энди улар тарихий даллилларни ўзлаштиришлари, уларни таҳлил қилиш ва тарихий воқеаларга муносабат билдиришлари талаб этилади. Битирувчи синф ўқувчиларининг тарихий-сиёсий ҳодисалар борасида мантиқий мулоҳаза юрита олишлари, улар билан баҳс – мунозара ташкил этиш креатив фикрлаш кўникмаларига эга бўлишлари учун имкноият яратади. Ўқувчи тасаввурида жонланган муҳрланган шонли тарихга

[3] Липпман У. Общественное мнение. М., 2004.

[4] Sergeyev V., Biryukov N. Russia’s Road to Democracy: Parliament, Communism and Traditional Culture. Brookfield. 1993.

доир далиллар унинг онгида ўзлигига кўчади, унинг “мен”и моҳиятидаги муҳим сифатлардан бири бўлиб қолади.